

Муҳаммад Ал Тухи ҳақида



18:12 / 07.08.2020 1627

Қуръон ҳофизи Муҳаммад Ал Тухи ҳақида эшитганмисиз?

Муҳаммад Ал Тухи 1922 йил Мисрнинг Мануфие вилоятида туғилган. У Қуръони Каримни тўлиқ ёд олган. 1932 йилда Ал-Азҳарда қироат қилиш учун лицензия олган.

Ал-Тухи ҳаёти давомида Иордания, Ироқ, Сурия, Малайзия, Покистон, Эрон, Қатар, Уганда ва Нигерия каби кўплаб давлатларга сафар қилди. 1943 йил Мисрда Султон Абул Ала масжидининг профессори бўлди.

Кейинчалик Миср ва бошқа мамлакатларнинг кўплаб мукофотларига сазовор бўлган. У 2009 йил 6 март куни 87 ёшида вафот этди.

Аллоҳ таоло Муҳаммад Ал Тухидан рози бўлсин, Ўзи раҳматига олсин!

Islom.uz портали таҳририяти